



# ШАРҚШУНОСЛИК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ



2  
2012



Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Нашрга тайёрловчилар:

А. ЗИЁДОВ (муҳаррир)  
М. ЗАРИФОВ (техник муҳаррир)  
Д. АРИФЖАНОВА (мусаккиҳ)

Журнал оригинал-макет асосида босилди.

Индекс 100065.  
E-mail: sharq\_ilmly@inbox.uz  
Интернет: www.tashgiv.uz

© Шарқшунослик, 2012  
Босишга рухсат этилди. 29.12.12  
Бичими 1/16. Шартли б.т. 8,5  
100 нусхада босилди. Буюртма №12  
Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик  
институтининг кичик  
босмахонасида босилди.  
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик  
институт, 2012

## ТАРИХШУНОСЛИК ВА ФАЛСАФА

- Усмонов М.* Тарихий манба ва илмий адабиётларда ўзбек кўнгиротлар этник тарихининг ёритилиши..... 83
- Шодмонова С.* Туркистонда Шарқ хотин-қизларига тиббий ёрдам хизмати тарихидан..... 88
- Музаффаров Ф.* Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фалсафий қарашларига ўзгариш даври..... 93
- Тўйчиева О.* “Равзат ус-салотин”да Ироқ ва Рум султонлари таърифи..... 97

## СИЁСАТШУНОСЛИК

- Каримов Ф.* Глобаллашув шароитида этник муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 102
- Рашидов Р.* Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда тарихий, этномаданий омилларнинг ўрни. 109

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

- Эшонжонов Б.* “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарининг ўрганилишига доир..... 115
- Тожибоева О.* “Насри Хамсаи беназир”нинг нашрлари ҳақида..... 119
- Қаюмова К.* Халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида предикативликни ифодалашнинг ўзига хос хусусиятлари..... 125
- Шакирова Ш.* XIX аср Хоразм таржима мактабида Бобожон Санойининг ўрни..... 132

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

- Илмий тадқиқот лойиҳалари: 2012 йил натижалари..... 136

## СИЁСАТШУНОСЛИК

Фарход КАРИМОВ

## Глобаллашув шароитида этник муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари жаҳон халқларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётида тобора жадаллашиб бормоқда. Бунинг исботи сифатида халқаро иқтисодий интеграциялашув, трансмиллий корпорация ва дунё молиявий марказларининг яратилиши ҳамда уларнинг халқаро муносабатлардаги ўрни ошиб бораётганлиги, давлатлараро сиёсий ва ҳарбий иттифоклар, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаоллашуви, энг сўнгги телекоммуникацион технологияларнинг ривожланиши ҳамда дунё бўйлаб тарқалиши ва бошқа мисолларда кўришимиз мумкин.

Глобаллашув бугунги замон фанида илмий бахсларнинг долзарб мавзуси бўлиб қолди. Кўплаб илмий мунозаралар оқибатида мазкур тушунчага нисбатан назарий-методологик қарашлар шаклланиб, глобаллашув жараёнлари инсоният олдида қўяётган умумжаҳон муаммо ва масалалар ўрганилмоқда. Улар қаторида ижтимоий алоқаларнинг планетар хусусият касб этиши, глобал ижтимоий фикрларнинг вужудга келаётганлиги, глобал иқтисодий инкирозлар, ҳарбий-сиёсий, этник-диний ва бошқа турдаги низоларнинг глобаллашуви, халқаро жиноятчилик хавфининг ортиб бораётганлиги каби муаммоларни кўриш мумкин. Бундай муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида фанда алоҳида бир йўналиш – глобалистика вужудга келди. Глобалистиканинг объекти эса умумжаҳон жараёнлар, уларнинг вужудга келиш сабаблари ва намён бўлиш турлари ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилиш йўлларини илмий тадқиқ этиш билан белгиланмоқда.

Бугун инсоният мутлақ янги даврни бошидан кечирмоқдаки, уни тушуниш, давр хусусиятларини англаш, ундаги жараён ва тенденцияларни таҳлил қилиш фаннинг муҳим бир йўналишига айланмоқда. Глобаллашув нима эканлигини тушунтиришга бўлган эҳтиёж натижасида замонавий фанда унга турлича тавсифлар берилмоқда. Бундай турли-туманлик – “эски дунё”нинг миллат-давлат, демократия, этник можаро каби тушунчалари билан ҳалигача

*В статье предпринята попытка рассмотрения связи между глобализацией и этническими конфликтами. Проанализированы структура и классификация, участники и действующие силы, цели и формы этнического конфликта, а также взгляды зарубежных ученых на их сущность. Даются некоторые предложения по решению и предотвращению подобных конфликтов.*

*The article attempts to review the relationship between globalization and ethnic conflict, which is one of the fundamental problems of modern science. Considered the views of foreign scholars on the nature of ethnic conflict, the structure and classification, participants and forces, objectives and forms of ethnic conflict. And also offers some suggestions to solve and prevent such conflicts.*

аник  
вужу  
шакл  
Бу  
нинг  
ёнда  
шув  
содий  
х.к.)  
ларид  
сий с  
ларни

И  
чар э  
ди. “  
ратки  
курол  
хизма  
тиши  
жак т  
турли  
ларга  
ролар  
Зеро,  
милла  
лик т  
халқ  
ўрнат  
ни би  
ҳарак  
пайтн  
Бу  
турда  
қили  
дунёд  
майди  
нинг

<sup>1</sup> Карим  
<sup>2</sup> Глоб  
Даткин  
<http://h>

аниқ бир тушунчага эга бўлмаган глобаллашув ўртасидаги алоқалардан ҳам вужудга келганлигини айтиб ўтиш мумкин. Бирок, ягона хулосавий изох шаклланганича йўқ.

Бугунги замонавий фаннинг ҳар бир соҳасида глобаллашув жараёнларининг таъсирини ва уларнинг ўрганилаётганлигини кузатиш мумкин. Ҳар бир ёндашувда мазкур тушунчага тегишли таъриф берилади. Умуман, глобаллашув – бу халқаро аҳамиятга эга бўлган турли омилларнинг (молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқалар, маданий ва информацион алмашинув ва ҳ.к.) алоҳида давлат ва жамият ижтимоий ҳолатига таъсир этиш жараёнларидир. Глобаллашув жараёнлари барча соҳаларда бўлгани каби сиёсий соҳада ҳам ривожланмоқда. Сиёсий глобаллашув халқаро сиёсий тизимларнинг институтлашув жараёнларида намоён бўлмоқда.

Инсоният фаолиятининг барча соҳаларида глобаллашув жараёнлари кечар экан, мазкур жараёнлар инсониятнинг келажагига таъсир этмай қолмайди. “Глобаллашув жараёнларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”<sup>1</sup>. Сўнгги ўн йилликда кўпчилик сиёсатшунос олимлар келажак тўғрисида пессимистик қарашлар билдириб, глобаллашув жараёнлари турли хил можаро ва зиддиятларга, хусусан, этник ёки этник-диний можароларга сабаб бўлиши мумкин, деган хулосалар бермоқдалар<sup>2</sup>. Бундай можаролар нафақат кўпайиши, балки улар шафқатсиз бўлишини таъкидлайдилар. Зеро, улар жамиятнинг фундаментал тузилмалари ва инсонларнинг қайси миллатга тегишлилик туйғусига асосланади. Миллий ва жамоавий тегишлилик туйғулари иқтисодий ва ғоявий бирликдан кучлироқ хусусият касб этса, халқлар ва давлатлар ўртасидаги келишув ва ўзаро тенг муносабатларни ўрнатиш сезиларли равишда оғир кечади. Ушбу ҳолатда глобаллашув жараёни билан бирга дунёнинг турли нукталарида антидемократик ва антилиберал ҳаракатлар фаоллашуви мумкин деган илмий фараз бериш мумкин. Ҳозирги пайтнинг ўзидаёқ бундай жараёнларнинг фаоллашувини кузатиш мумкин.

Бундан келиб чиққан ҳолда, этник можаролар хавфи ортиб борар экан, бу турдаги можароларнинг олдини олиш учун уларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб этилади. С.Хантингтон айтганидек: “... ривожланиб бораётган дунёда можароларнинг асосий сабаби энди идеология ёки иқтисодиёт бўлмайди. Инсониятни ажратиб турадиган энг муҳим чегаралар ва можароларнинг илдизлари маданият орқали белгиланади. Миллат-давлатлар халқаро

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. – 113-б.

<sup>2</sup> Глобализация и этнические конфликты: преодолевая дуалистический подход. Анамария Даттик, Мэрилэндский университет.  
[http://humtran.narod.ru/articlesdata/nauchnava/globalizatsiva\\_i\\_etnicheskie\\_konflikti/](http://humtran.narod.ru/articlesdata/nauchnava/globalizatsiva_i_etnicheskie_konflikti/)

муносабатларда асосий факторлар бўлиб қолаверади, аммо глобал сиёсатдаги асосий тўқнашувлар турли цивилизацияларга тегишли миллат ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида кечади. Цивилизациялар тўқнашуви жаҳон сиёсатининг етакчи омилига айланади. Цивилизациялар ўртасидаги тўқнашув чизиклари – бу келажакдаги фронт чизикларининг ўзидир”<sup>1</sup>.

Этнослараро можаролар миллий жамиятлар ўртасидаги қуролли тўқнашувларгача етиб бориши мумкин бўлган ўзаро норозиликлар шаклида кечувчи муносабатлар ҳисобланади.

Ҳар қандай этник можаро ўзига хос хусусиятга эга. Этник можаролар бир миллатнинг ҳокимиятдан кетиши ёки дезинтеграцияси, бир миллатнинг бошқасига нисбатан дискриминацияси, келишувлар бузилиши, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабат ва алоқаларнинг узилиши оқибатида вужудга келиши мумкин. Мазкур низоларнинг сабаблари этнослар ўртасида моддий ва маънавий бойликларни тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш учун олиб борилаётган курашлар натижасида келиб чиқади. Ҳар қандай халқаро можаролар ва низолар ортида халқларнинг аянчли тақдири ётади ва энг ёмони ёш авлоднинг хотирасида эски хафагарчиликлар, ҳақоратлар, адолатсизликларнинг сақланиб қолиши, ҳатто оддий масалаларни ҳал қилишда ҳам қутилмаган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади”<sup>2</sup>.

Бу турдаги можароларнинг келиб чиқишига у ёки бу минтақа хусусиятларидан келиб чиқадиган умумий ва конкрет, “ситуатив” ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Миллатлараро можаронинг илдизларини азалдан у ёки бу этноснинг “генетик” хусусиятларида кўриш инсон онги ва табиати учун ғайритабиий ҳисобланади<sup>3</sup>.

Ижтимоий можаролар борасидаги замонавий Ғарб концепциялари уларнинг илдизлари сифатида инсон эҳтиёжларининг қондирилишини кўриб чиқади. Можаро (рақобат, кураш – инсонлар қарама-қаршилигининг кўринишлари)га нисбатан қарама-қарши тушунча сифатида кооперацияни таклиф қиладилар.

Кооперация ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва манфаатли муносабатлар билан характерланади. Этник можаролар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ўлчовларга эга. Миллий хавфсизлик, суверенитет, этник ўзликни англаш, интеграция этник можароларни таҳлил қилишдаги фундаментал тушунчалар ҳисобланади.

<sup>1</sup> Хантингтон С. Модель грядущего конфликта. “Полис” (<http://www.politstudies.ru>), 1994, №1. –С.33-48.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –Б.66.

<sup>3</sup> Этнопсихологический словарь. –М.: МПСИ. В.Г. Крысько, 1999. –С.158.

Кел  
дегани  
констр  
туркти  
ўртаси

Иж  
лик фа  
этилад  
(Р.Дар  
кўради  
рат ки  
шади  
ва олд  
этник  
этник  
олиб б

Этн  
хусус  
сият в  
конун  
жараё

1) з  
ларида  
роҳи б

2) з  
ларда  
лилиги  
ларда  
лашни  
шувиг  
остида  
қилади  
хатти-

3) з  
ер, ер  
4) з  
фий,

<sup>1</sup> Parson  
16–26.;  
исследе  
–М., 19  
общ. ре

Келишмовчилик, қарама-қарши фикрларнинг мавжудлиги ҳали можаро дегани эмас, аммо унинг вужудга келиши учун шароит яратиб беради. Агар конструктив усул ўзаро маъқул қарорларни топиш йўли ҳисобланса, деструктив усул таҳдид қилиш, босим ўтказиш, келишолмаётган этнослар ўртасида очик қуролли ҳаракатларга ўтишни англади.

Ижтимоий можароларни таҳлил қилишда Ғарб олимлари сиёсатшунослик фанида илғорлаб кетган. Улар томонидан икки асосий ёндашув таклиф этилади: тизимли-функционал (Т.Парсон) ва жамиятнинг можаровий модели (Р.Дарендорф, Л.Козер). Можароларни жамиятдаги табиий ҳолат сифатида кўрадиган Ғарб олимлари уларни назорат қилиш ва бошқариш ҳамда башорат қилиш ва огоҳлантириш зарурати долзарб масала эканлигини таъкидлашади (К.Боулдин). Уларнинг фикрича, этник зиддиятларни назорат қилиш ва олдини олиш усулларидан бири муайян давлатнинг миллий сиёсати ҳамда этник муносабатларнинг институционаллашуви ҳисобланади<sup>1</sup>. Шунингдек, этник можароларни тартибга солишда самарали воситалардан бири музокара олиб бориш ҳисобланади.

Этник можароларнинг қиёсий ўрганилиши шуни кўрсатдики, уларнинг хусусиятлари ва босқичлари қайталанадиган характерга эга. Бундай хусусият ва босқичлар, ўхшаш можаролар ўрганилганда можароларнинг баъзи қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Этник можароларни ўрганиш жараёнида олимлар қуйидагиларни аниқладилар:

1) этник мансублик – жамиятдаги ижтимоий ташкилотларнинг илк шаклларида бири ва этник можаролар – инсоният тарихи давомида унинг ҳамроҳи бўлиб келаётган ижтимоий можароларнинг қадимий шаклидир;

2) этник мансублик эркин танлаш предмети ҳисобланмайди. Жуда кўп ҳолларда босим остида инсон ижтимоийлашув жараёнида ўзининг этник тегишлилигини бир маротаба ва бир умрга “танлайди” ва бу ҳолат камдан-кам ҳолатларда ихтиёрий бўлади. Миллий ўзликни англаш бу ижтимоий ўзликни англашнинг аскриптив тури ҳисобланади ва бу этник можароларнинг кескинлашувига сезиларли таъсир ўтказади. Одатда инсонлар миллий туйғулар таъсири остида можароли вазиятларда соғлом фикрлашдан чекинган ҳолда ҳаракат қилади ва бу билан ҳолатни нафақат яхшилашга халақит беради, балки ўзининг хатти-ҳаракатларини янада кескинлаштиради;

3) этник можаролар, агар уларнинг объектлари ҳудудий характерга (ҳудуд, ер, ер ости ресурсларга эгаллик қилиш) эга бўлса, янада кескинлашиб боради;

4) этник можаролар ўз таъсир остига ижтимоий ҳаётнинг турли – синфий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва бошқа жабҳаларини жалб қилиш

<sup>1</sup> Parsons T. Social Classes and Class Conflict // American Economic Review, 1949, XXXIX, pp. 16–26.; Дарендорф Р. Элементы теории социального конфликта // Социс (Социологические исследования). 1994. – № 5. – С.142–147; К.Боулдин “Конфликт и защита: общая теория”. – М., 1963; Козер Л.А. Функции социального конфликта / Пер. с англ. О.Назаровой; Под общ. ред. Л.Г. Ионина. – Москва: Дом интеллектуальной книги: Идея-пресс, 2000. – С.295.;

қобилиятига эга, аммо улар келиб чиқиши бўйича этник муносабатлардан фарқ қилади<sup>1</sup>.

Этник моjarолар бошқа турдаги моjarоларнинг предмет ва объектларини “ўзлаштириш” қобилиятига ҳам эга бўлади. Бу, айниқса, бугунги глобаллашув даврида жуда жадал суръатларда содир бўлмоқда. Эмпирик тадқиқотларда этник моjarоларни “тоза” ҳолатда аниқлашнинг деярли имкони йўқ. Кўп ҳолатда илк босқичдаги иқтисодий ва бошқа қарама-қаршиликлар этник моjarога айланади ва аксинча, баъзида, бундай трансформация моjarоларни мақсадли бошқаришнинг натижаси бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, этник моjarолар турли тарихий даврлар орқали “қизил” из қолдириб, бошқа барча турдаги моjarоларга сингиб, моjarоли вазиятларни қамраб олади. Ва ниҳоят, тарихда маълум деярли барча урушлар кўп ёки кам даражада этник асосга эга бўлган.

Этник моjarоларнинг ҳар бири мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлишига қарамай, унда бошқа этник моjarоларга хос белгиларни аниқлаш мумкин. Мазкур белгиларни аниқлаш моjarони таҳлил қилиш, моделлаштириш ва башорат қилиш билан боғлиқ илмий изланишларнинг янада мураккаб босқичларига ўтиш имконини беради.

Этник моjarоларни жамият ҳаёти соҳалари бўйича *таснифлаш* — хорижий фанда кенг тарқалган ёндашув ҳисобланади. Унга кўра этник моjarолар сиёсий, иқтисодий ва диний моjarоларга ажратилади<sup>2</sup>.

Кўпинча этник моjarолар соҳалараро ҳарактерга эга бўлади.

Этник моjarоларнинг предмет ёки объект бўйича таснифи ҳам мавжуд. Бу ҳолатда моjarонинг предмети аниқ белгиланган соҳалараро ҳарактерга эга бўлади. Бундай моjarоларга, масалан, давлат тили, ҳудуди ва иқтисодий ресурслари доирасида вужудга келган маиший этник моjarолар киради.

Субъект-ташувчилар бўйича тасниф бир тартибли ва кўп тартибли субъектлар ўртасидаги моjarоларни ажратади. Мисол учун биринчи турдаги моjarоларга Шимолий ва Жанубий Корея, Осетия-Ингушетия, Яқин Шарқдаги ва бошқа халқаро моjarоларни киритиш мумкин. Моjarоларнинг иккинчи типиди турли тартибли субъектлар ҳаракатланади, масалан, бир тарафдан этник камчилик, бошқа тарафдан титул миллат ёки унинг давлат структуралари.

Тузилиши жиҳатдан анча мазмундор ва аниқроғи моjarоларнинг институционаллашуви бўйича таснифи ҳисобланади. Шундай ҳолатлар бўладими, моjarонинг ҳар иккала субъекти ҳам институционаллашмаган, яъни давлат ёки бошқа усул билан расмийлаштирилмаган бўлади ва бунда моjarо халқаро даражага ўтади.

<sup>1</sup> Проблемы управления в сфере межнациональных отношений. — Поволжеск.: Поволжская академия госслужбы, 1998. —С.172.

<sup>2</sup> Авксентьев В.А. Этническая конфликтология в поисках научной парадигмы. —Ставрополь, 2001. —С.73.

Кўп  
билан б  
ўртасид  
барча ш  
лиши ва  
нинг охи  
этиши м  
этник гу  
верса, м  
тўғри та  
хавфсиз  
латли да  
рихохли

Барча  
аҳамият  
ривожла  
чиқиш о  
аниқлаш  
шакллана  
тимой,

Сиёс  
тегишли  
тўқнашу  
нафақат  
қўлга кир

Ижти  
қилади. И  
асосланган  
дий иш-та  
мой ман

Ижти  
сиёсат и  
келажак  
циясинин  
зиш имко  
сий ва ди

<sup>1</sup> Губенко С.

<sup>2</sup> Каримов

лари ва тар

<sup>3</sup> Бурдые П  
Москва: Со

<sup>4</sup> Авксенть  
поль, 2001.

Кўпинча мамлакат ичидаги этник муносабатлар халқаро муносабатлар билан бир қатор умумий хусусиятларга эга бўлади. Одатда, уруш этнослар ўртасидаги кенг кўламдаги можарони эслатади ва унда можароларнинг барча шаклларига жой топилади. Уруш эртами-кечми ўт очишлар тугатилиши ва тинчлик ўрнатилиши билан якун топади, аммо этник можароларнинг охири йўқ. Бир кескинлашиб, бир сокинлашиб, улар асрлар бўйи давом этиши мумкин<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам муайян давлатда истиқомат қилувчи этник гуруҳлар ёки миллатларнинг ҳамжиҳатлиги мазкур давлатдаги қолаверса, минтақадаги муносабатларнинг ривожланиш жараёнига тўғридан-тўғри таъсир этади. Зеро, “Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлиги ва ижтимоий - иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатларда яшаётган бошқа миллатлар вакиллариининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқдир”<sup>2</sup>.

Барча ижтимоий можаролар қаторида этник можаролар ҳам жамият учун аҳамиятли вазифаларни бажарган ҳолда ижтимоий маконда вужудга келади ва ривожланади. Можаролар табиатини тушуниш учун, авваламбор, унинг келиб чиқиш омилларини таҳлил қилиш ва ривожланишининг ижтимоий мантиқини аниқлаш керак бўлади. Масалан, Пьер Бурдьё синфлар ва гуруҳлар ўртасида шаклланадиган ва ривожланадиган можароларни капиталнинг (иқтисодий, ижтимоий, маданий, мавқе ва бошқ.) нотўғри тақсимоли билан боғлайди<sup>3</sup>.

Сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа можаролар ижтимоий кучларнинг тегишли маконларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва қондириш учун тўқнашувлари ҳисобланади. Ижтимоий майдондаги ҳар қандай жараёнлар нафақат жамиятда экс этади, балки унда асос бўлувчи ижтимоий базани қўлга киритади<sup>4</sup>.

Ижтимоий омил можаролардаги барча йўналиш ва жараёнларни синтез қилади. Ижтимоий соҳадаги этноможаро ижтимоий омиллар ва эҳтиёжларга асосланган иқтисодий сиёсатда ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, иқтисодий иш ташлаш, стачка ва ҳаракатлар ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш, ижтимоий манфаатларни қониктириш ва ҳаёт даражасини оширишга қаратилган.

Ижтимоий омил ўзида қуйидагиларни мужассамлаштириши мумкин: сиёсат иқтисодининг муҳим жиҳатлари; фуқаронинг ижтимоий мавқеи ва келажакка ишонч ҳисси; ижтимоий хавфсизлик ва ижтимоий дифференциациясининг даражаси; фуқаролик ҳуқуқи ва аҳолининг сиёсатга таъсир ўтказиш имконияти. Мазкур муаммолар атрофидаги можаролар иқтисодий, сиёсий ва диний майдонларда ҳам авж олиши мумкин.

<sup>1</sup> Губенко О.В. Последняя битва. – Ростов-на-Дону, 2003. – С.23.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б.63.

<sup>3</sup> Бурдьё П. Социология политики / Пер. с фр.; сост., общ. ред. и предисл. Н.А.Шматко. – Москва: Socio-Logos, 1993. – С.168.

<sup>4</sup> Авксентьев В.А. Этническая конфликтология в поисках научной парадигмы. – Ставрополь, 2001. – С.78.

Мазмунан этноижтимоий можаролар манфаатлар ўртасида вужудга келади. Можароларнинг табиатини аниқлаш учун манфаатлар ва уларни субъектлар томонидан тушуниш усуллари аниқлаш жуда муҳим. Дорендорфнинг фикрича, талаблар билан боғлиқ манфаатларнинг яширилиши; ҳаёт учун жуда муҳим моддий воситалар (худуд, табиий бойликлар, энергетика ва табиий ресурслар, сиёсий ҳокимият ва етакчилик) можарони, шу жумладан этноможарони мустаҳкам курашга айлантиради. Можаронинг генезиси ва етилиши — бу яширин манфаатларнинг ойдинлашув жараёнидир<sup>1</sup>.

Шу ва бошқа қатор маълумотларни бирлаштирган ҳолда этнополитологлар шундай фикрга келдилар — ҳар бир можаро ўзига яраша мураккаб бўлса-да, уни таҳлил қилиш имконияти бор ҳамда таҳлил қилиш мақсадга молик ва фойдали.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган даврда ҳар қандай можаро, хусусан, этник асосга эга бўлган зиддиятлар ўзининг шафқатсизлиги ва мураккаблиги билан давлат ҳамда миллатлар хавфсизлигига катта хавф солмоқда. Бундан келиб чиқиб, дунё ва мамлакатимиз социолог ва сиёсатшунос олимларининг мавзуга доир ишларини ва бугунги кунда дунёда содир бўлаётган этник ҳамда диний можароларни таҳлил қилган ҳолда мазкур можароларнинг олдини олиш бўйича бир нечта таклифлар келтирилади.

Авваламбор, ҳар қандай минтақавий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларда олдиндан этнослараро келишмовчиликлар ҳолатида сиёсий ҳатти-ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш зарур. Бу давлатнинг миллий сиёсати концепциясига таянувчи ва мазкур худуддаги эҳтиёжларга боғлиқ аниқ сиёсий ҳаракатлантирувчи аниқ ва тушунарли ҳужжат бўлиши керак<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакиллариининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериши лозим”<sup>3</sup>.

Кўпмиллатлилиқ, айниқса, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ҳодиса сифатида сиёсий ҳокимиятдан маълумотлар базаси, электрон алоқа маркази ва бошқа ресурсларга эга профессионал-этнополитологлар гуруҳини олдиндан тайёрлашни талаб қилади.

Аммо, сиёсий ва айниқса, ижтимоий қўллаб-қувватлашсиз ҳар қандай кучли тайёрланган этнополитологлар ҳам минтақадаги этносиёсий ривожла-

<sup>1</sup> Дорендорф Р. Гражданская ответственность интеллектуалов: против нового страха перед просвещением // Полис (Политические исследования), 1997. — № 6. — С.33–34.

<sup>2</sup> Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов. — М.: Наука, 1999. — С.113.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б.66.

нишга  
кўпмил  
ва яхш

Аф

Аф  
мамла  
сиёсий  
жуда к  
Ҳар  
орасид  
даража  
Афғон  
ўрнат  
дашад  
бошқа

ши ёк  
замин  
лари с  
рида  
бий-си  
ҳам а  
саъй-х  
катда  
ни чи

Х  
тон Б  
худуд  
рига  
1878—  
афғон  
фақат

М  
йилда

<sup>1</sup> Эфен

<sup>2</sup> Қара  
—М.: И

нишга сезиларли таъсир кўрсатиши жуда кийин. Мазкур гуруҳ минтақанинг кўпмиллатли аҳолисига таъсир қила олувчи обрўли шахсларнинг ишончли ва яхши тайёрланган фаолларига таяниши керак.

*Рустам РАШИДОВ*

### **Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда тарихий, этномаданий омилларнинг ўрни**

Афғонистон тарихи давомида кўплаб сиёсий воқеалар рўй берган мамлакат эканлигини эътироф этган ҳолда ва бунинг натижасида мамлакат сиёсий тизими ҳам бир неча бор ўзгарганлиги ҳамда жафокаш афғон халқи жуда кўп воқеликларга гувоҳ бўлганлигини кўриш мумкин.

Ҳар қандай миллатнинг шаклланиши ва тараққиётидаги муҳим омиллар орасидан тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳамда этномаданий жараёнлар биринчи даражали аҳамиятга эгадир<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш масаласига тарихий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, афғон заминининг бошқа давлатлар томонидан босиб олиниши ёки уларнинг қурол воситасида афғон заминида тинчлик ўрнатишдаги ҳаракатлари самарасиз эканлиги, шунинг баробарида Афғонистоннинг ўзидаги баъзи ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ва кучлар томонидан ҳам афғон заминида тартиб ўрнатиш ва тинчликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижа бермаганлиги, аксинча, бу хатти-ҳаракатлар мамлакатдаги ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларни чигаллаштириб юборганлиги маълум бўлади.

XIX аср ва XX асрнинг дастлабки икки ўн йиллиги давомида Афғонистон Буюк Британия ва чор Россиясининг ўзаро манфаатлари тўқнашган ҳудуд сифатида, ушбу давлатларнинг бир неча тазйик ва геосиёсий ўйинларига ҳамда агрессиясига (1838–1842 й.й. биринчи инглиз – афғон уруши, 1878–1880 й.й. иккинчи инглиз – афғон уруши, 1919 йилда учинчи инглиз – афғон уруши бўлиб ўтди) қарши тура олди ва Осиё давлатлари орасида фақат бир ўзи тўлақонли равишда мамлакат мустақиллигини сақлаб қолди<sup>2</sup>.

Мутлақ монархия шаклидаги давлат бўлиб келган Афғонистон 1973 йилдан бошлаб республика деб атала бошлади. Бунга сабаб 1933–1973 йил-

*В статье рассматриваются этнокультурные и исторические предпосылки обеспечения мира и стабильности в Афганистане.*

*This article is considered ethno cultural and historical preconditions of maintenance of the world and stability in Afghanistan are considered.*

<sup>1</sup> Эфендиев Ф.С. Этнокультура и национальное самосознание. –М., 1999. –С.32.

<sup>2</sup> Қаранг: Халфин Н.А. Провал британской агрессии в Афганистане (XIX в. – начало XX в.). –М.: Издательство социально-экономической литературы, 1959. –С.4-7.